

ҚИШЛОҚ ХАКЖАКАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ, МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ, ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА АҲОЛИНИНГ МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ УЧУН

Ўзбекистон Коммунистик партияси марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш қондаларига асосланиб ва КПСС XXVIII съездида эълон қилинган дастурий мақсадларга биноан инсон манфаати, унинг бахт-саодати, маънавийлик ва инсонпарварлик қондаларини қарор топтириш йўлида жамиятнинг социалистик негизларда янгилашни ўзининг бош вазифаси қилиб қўяди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Ўзбекистон ССЖ Конституцияси ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилиб, жумҳуриятнинг ривожлантиришининг ўзи тақдир этган ва давлат ҳокимияти органлари қабул этган дастури учун тўла масъулиятни ўз зиммасига олади. Шу билан бир вақтда у ҳам қонуни чиқарувчи, ҳам ижрочи-бошқарувчи ҳокимиятнинг фаолиятини, улар қабул этган ва одамларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор бўлган сиёсий ҳамда бошқа қарорларни танқидий баҳолаб, ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоллади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Ҳаракат дастури жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини, ижтимоий адолатини, маънавий янгилашни, Ўзбекистон ССЖдаги барча миллат ва элатлар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖНИНГ ЧИНАКАМ СИЁСИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Олий Кенгашининг Декларациясига асосланиб, Ўзбекистон ССЖнинг ҳақиқий сиёсий мустақиллигини таъминлаш учун курашади. У ҳисоблайдики, жумҳурият халқчил қондаларга ва халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этишига таяниб, ўзининг миллий-давлат тугилиши ва маъмурий-ҳудудий бўлиниши масалаларини мустақил ҳал қилиши керак.

Коммунистик партия ер, ер остидаги қазилмалар, табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, вужудга келтирилган иқтисодий ва илмий имкониятлар, меҳнат натижалари ҳамда жумҳуриятнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги моддий асосини таъминлайдиган бошқа мол-мулк объектлари фақат жумҳуриятнинг мулки бўлиши керак, деган фикрда қатъий туради.

Коммунистик партия мана шу энг муҳим қондани амалга оширишга, жумҳуриятнинг ҳудудий бирлигини ва чегаралари дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган тегишли ҳужжатлар Олий Кенгашда қонуни тарзида қўриб чиқиш, қабул этилиши тарафдоридир.

Ўзбекистон тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини қўлаб белгилайдиган халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида иш қўймоғи керак. Хорижий давлатлар билан муносабат ўрнатилиши, улар билан шартномалар тузилиши, ўзаро дипломатия ва консуллик ваколатхоналарини айирбошлаши ло-

зим, Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши, жумҳуриятда ишлаб чиқариладиган маҳсулот нормаларини белгилаш, лицензия бериш, қўшма корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, шартномалар ва эркин иқтисодий зоналарни вужудга келтириш масалаларини мустақил ҳал қиладиган бўлиши керак. Жумҳурият БМТга ҳамда унинг ихтисослаштирилган муассасаларига, бошқа халқаро ташкилотларга вакиллар юбориш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси мустақил жумҳуриятнинг сиёсий ташкилотли сифатида социалистик ва демократик йўналишдаги чет эл партиялари ва жамоат ҳаракатлари билан мустақил алоқа боғлаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоллади. У чет эллардаги ватандошлар билан инсонпарварлик алоқалари ва ҳамжihatлиқни ривожлантириш ҳамда мустақамлаш, уларга жумҳуриятнинг маданий ҳаётида, ижтимоий ва иқтисодий дастурларини амалга оширишда қатнашиш ҳуқуқини берилиши учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси жумҳуриятлараро алоқаларни кенгайтириш, бошқа мустақил давлатлар билан шартномалар тузиш учун иштироки ва бу муносабатлар тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосига қўрилиши учун сабот билан ҳаракат қилаверади. У — мустақил давлатларнинг янги Иттифоқ шартномаси тарафдоридир, барча миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлиги, ўз давлатининг тақдирини ўзи белгилашга, шу жумладан Иттифоққа кириш ва ундан чиқиш масалаларида уларнинг хоҳиш-иродасини ихтиёрий ифодалаш мазкур шартноманинг асосий нақ қондалари бўлиши лозим.

Коммунистик партия ҳисоблайдики, жумҳурият ҳудудида ихтиёрий равишда Иттифоқ-жумҳурият ва жумҳурият тасарруфига берилган масалалардан ташқари барча масалалар ҳусусида жумҳуриятнинг қонунилари устуни бўлиши керак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Қорақалпоғистон МСЖни халқнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши асосида Ўзбекистон ССЖ таркибига кирган Совет Социалистик давлати деб ҳисоблайди ва у ўз ҳудудида ихтиёрий равишда ССЖ Иттифоқи ва Ўзбекистон ССЖ тасарруфига топирилган масалалардан ташқари барча масалаларда бутун тўлалигида давлат ҳокимиятига эга бўлишига иштирок этади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси мустақил ҳуқуқий давлат бўлишига эришишга амалий ишлар билан қўмақлашади, барча давлат ҳокимиятини қонуни чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига тақсимлаш орқали демократия ва қонунийлик таъминланадиган бўлади. Президентлик идора усули таъсис этилганлиги, ижроия ва бошқарув ҳокимиятини мустақамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибни таъминлаш юзасидан қўрилган тадбирлар бу йўлдаги муҳим қаддам бўлади.

Коммунистик партия кўп партиялик шароитида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ўрнини босиш-

дан ва ҳўкмронлик ваколатларидан воз кечади, халқ ҳокимиятининг таъсирчан органлари бўлиши Советларнинг мавқеини ошириш ва уларни мустақамлаш учун курашади. Партия ташкилотлари барча даражалардаги халқ депутатлари Советлари билан ўзаро баҳамжихат ҳаракат қилади, уларнинг фаолиятига депутат қилиб сайланган ва сайлаб қўйилган органларда ишлайдиган коммунистлар орқали сиёсий таъсир ўтказиладилар, қонуни чиқариш ташаббуси ҳўқуқидан кенг фойдаланадилар. Коммунистлар қўғрон, қишлоқ, овул Советларининг, маҳалла комитетларининг, истиқомат жойларидagi ўзини ўзи бошқарувчи бошқа бўғинларнинг самарали фаолиятига, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда уларнинг мустақиллигини мустақамлашга ҳар томонлама қўмақлашадилар.

Ҳозирги кунда социалистик қонунийлиқни ва ҳўқуқ-тартибни мустақамлаш ҳамда уларга қатъий риоя этилиши соҳасида совет, ҳўқуқни муҳофаза қилиш, ҳўжалик идоралари ва жамоатчиликнинг куч-ғайратларини бирлаштириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Коммунистлар шонинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, миллати ва динидан қатъи назар ҳар бир фуқароннинг шон-шарафи ва қадр-қимматини, унинг конституциявий ҳўқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш учун қатъий билан ҳаракат қилади. Бу ҳўқуқларга қўйилмайдиган ҳар қандай таъвозулар қатъий билан даф қилиниши, уларнинг ташкилотчилари ва қатнашчилари аса қўғонга мувофиқ жавобгарлиқка торғилиши керак.

Коммунистик ССЖИ Қўролли Кучларида тезроқ ислохот ўтказилиши тарафдоридир, бу ислохот профессионал армияни вужудга келтиришдан ва муқоабил хизматини жорий этишдан, ҳарбий хизматга жумҳурият ҳўкумати билан тузилмадан шартномалар асосида қақирув ўтказишдан иборат бўлиши керак. Коммунистлар ҳарбий бўлиналарда илтизоом ва тартиб ҳар томонлама мустақамлашнинг, армияга иснод келтирувчи устанга зид ўзаро муносабатлар тағ-тоғини билан тугатилишига бундан бўён ҳам ҳаракат қилаверади. Улар Совет Армияси сафларига қақирланган йигитларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳўқуқларини, миллий ва шахсий қадр-қимматини муҳофаза қилиш масалаларида қўролли кучлар командириларнинг масъулиятини ошириш учун қатъий билан ҳаракат қилади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИгини МУСТАҚАМЛАШ ИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИГА УТИШ ҚОНДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Одамлар турмушининг муносиб даражаси, ҳар бир кишининг ҳар томонлама, уйғун равишда камол топиши таъминланадиган сиёсий, иқтисодий, ҳўқуқий ва ижтимоий

халқларимиз ҳам ўзларини яхши ҳис қиладилар. Олий Кенгаш бу ҳақда аниқ бир гапни айтиши ва халқ унинг нуқтаи назарини билиши керак, деб ҳисоблайман. (Қарсаклар).

Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси асосан тайёр. Биз жуда қисқа муддатда уни ССЖИ Олий Кенгашига ва жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларига тақдим этамиз. Суверенитет учун янги чиққан курашчилар, халқ мана бундай деди, деб бизни қўчқимай қўй қолсинлар... ҳали халқдан сўраш керак (Қарсаклар). Украинада жуда қалтис пайтларда шундай қилишди. Шунда ҳам Иттифоқни сақлаб қолиш ва янгилаш тарафдор эканини билдирган кишилар 70 фоздан кам бўлган йўқ. Ҳамма жойда ҳам шундай. Ҳозир Грузиядан ахборот оламизки, у ердангилар асрлар давомида ҳосил қилиб келинган алоқалар узилаётгани айтилганда бениҳоя ҳайжонга тушибдилар.

Еттинчидан. Армия муаммоларига, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш таъминлаш муаммоларига эътиборини қучайтириш муҳимлигини яна бир алоҳида таъкидлаш зарур, деб ҳисоблайман. Армия — халқнинг фарзанди. Неча йиллар давомида бизга йўлчи қолдуз бўлиб келган шу иборани атайлаб такрорлайман. Олий Кенгашга яна бир бор мурожаат этиб, армиянинг ўз вазифасини бажаришига имкон берадиган ва давлатимиз хавфсизлиги посбонлигида турганларнинг обрў-эътиборини таъминлайдиган қонуналарни зудлик билан қабул этишни сўрайман.

Саккизинчидан. Советларнинг мустақам ўзаро алоқасига, уларнинг баҳамжихатлиги ҳар томонлама қўмақлашиш бизнинг бурчимиздир. Кечаги мунозарадан аниқ равшан келиб чиқадиган ҳулоса шунки, Олий Кенгаш ҳам, жойлардаги Советлар ҳам ўзаро жуда мустақам алоқа ўрнатмай ва баҳамжихат бўлмай туриб ўз фаолиятларини самарали равишда амалга ошира олмайдилар. Умумий ишимиз манфаатларини қўлаб, муҳолифликдан, беҳуда рақобатдан воз кечмоқ керак.

Ўртоқлар, мен тақлиф этган чора-тадбирлар стратегик вазифаларимизни бажаришга, мамлакатдаги демократик ўзгаришларни давом эттиришга қаратилган. Мен барча 15 иттифоқдош жумҳуриятнинг ҳамма фуқароларига мурожаат этиб, баён этилган амалий чора-тадбирлар дастурини қўлаб-қувватлашга қақираман, чунки бу чора-тадбирлар қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкилий жиҳатдан таъминлайди.

Бу қарорлардан биронтаси ҳам муаллақ қолмаслиги керак. Президент сифатида мен уларнинг бекаму кўст икроси этилиши ҳақида гапмуҳл қиламан. Умумий ишимиз муваффақиятидан манфаатдор бўлган барча кучларнинг маддақдорлигига, мамлакат барча халқларининг, умуммиллий интиқлиги, фуқароларнинг тинчлиги, барқарорликка эришиш мақсадларини азиз бўлувчи ҳамма бунёдкор кучларнинг ҳамкорлигига умид қиламан. Биз бунга эришмай туриб, олдинга силқий олмаимиз. Халқнинг мана шу қайфиятига қарши чиқибетган аса сиёсий мағлубиятга учратмоқ керак. (Қарсаклар).

Мен коммунистларга мурожаат этиб, улар ўз имкониятларидан фойдаланиб, иқтисоди, сиёсий ва ҳўқуқий барқарорликка оид чора-тадбирларни зўр ғайрат билан қўлаб-қувватласинлар, дейман. Ватанимизнинг тақдирини қадрловчи барча жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларини ҳамкорликка тақлиф қиламан. Оммавий ахборот воситаларининг жамоалари ҳам ўз ўрни ва ролини қайтадан идрок этишлари лозим. Хуллас, адоват ва ваҳима уруғларини соқий тўхтатсинлар. Келинлар, бунёдкорликка ўтайлик, бизнинг келажати мис фақат олға томон зўр ғайрат билан ҳаракат қилишга, ўртага қўйилган умумхалқ мақсадларига эришишга боғлиқ. Олий Советдан шу тақлифларни қўлаб-қувватлашни сўрайман. (Қарсаклар).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

16 ноябрь кўни КПСС Марказий Комитетининг Бош қотиби М. С. Горбачев раҳбарлида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда КПССнинг мамлакатни сиёсий, иқтисодий ва ҳўқуқий барқарорлаштиришдаги иштироки масалалар кўриб чиқилди. Но-тиқлар халқ ҳўжалигидаги ахволни пичиллик билан барқарорлаштириш йўлидан бориш, иқтисодий ислохот, бозорга ўттиш тадбирларини оғиймай амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Сиёсий бюрода Иттифоқ шартномаси концепцияси ва партия ташкилотлари олдида турган вазифалар билан боғлиқ масалалар муҳомаза қилинди. Шу муаммо юзасидан декабрнинг биринчи ўн кўнида КПСС Марказий Комитетининг пленуми

ни қақирш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлис иштирокчилари Литва ССЖда юз бераётган демократияга зид хатти-ҳаракатлар ва инсон ҳўқуқлари бузилиши ҳоллари тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқилди. Сиёсий бюро демократия ютуқларини, социалистик идеалларни ҳимоя қилаётган, янги Иттифоқ шартномаси тузилишини ёқлаётган ижтимоий қўлларга қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни, коммунизмга қарши жазаваларни, Советларга эътиқод қилган кишиларни таъқиб этиш кампаниясини қоралади.

Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шу йил ноябрь ва декабр ойларига қиладиган ишлар режаси, шунингдек партия ишнинг бошқа баъзи масалаларни кўриб чиқилди.

ССЖИ Олий Кенгашининг қарори

ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИНИ ҲАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Олий Кенгаши қарор қилади:

ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съезди 1990 йил 17 декабрь кўни Москва шаҳрида қақирилсин.

ССЖИ Олий Кенгашининг раиси А. ЛУКЪЯНОВ.

Москва, Кремль.

1990 йил 17 ноябрь.

ПАРИЖДАГИ КЕНГАШГА ДОИР

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳўкумат бошлиқларининг шу йил 19—21 ноябрь кўнлари Парижда бўлиб ўтадиган кенгашида иштирок этади.

Кенгаш чоғида Европадаги оддий қўролли кучлар юзасидан шартнома, Варша

ва Шартномасига ва НАТО-га аъзо бўлган давлатларнинг қўшма декларацияси, кенгашнинг якуловчи ҳужжати қабул қилинади.

Парижда ССЖИ Президенти билан Умумевропа кенгашида иштирок этаётган давлатлар ва ҳўкуматлар бошлиқлари ўртасида бир қанча учрашулар ўтказиш ҳам мўлжалланган.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

ССЖИ Олий Кенгаши сессиясида 1990 йил 17 ноябрда сўзлаган нутқи

Ўртоқлар, халқ депутатларининг, Олий Совет аъзоларининг, жумҳуриятлар вакилларининг кечаги мажлисидаги нутқлари, сессия давомида ўртоқлар билан меннинг сўхбатларим шунини кўрсатиб турибдики, Иттифоқ шартномасини тезроқ тайёрлаш керак, аммо бундан аввалроқ мамлакатдаги ишларнинг аҳволини, хусусан сиёсий ва иқтисодий барқарорлиқни яхшилаш, жамоат тартибни, интизомни ўрнатиш, миллатлараро муносабатлардаги вазиятни нормаллаштириш соҳасида кучли тўр чораларни амалга ошириш лозим, деган фикр вужудга келди. Меннинг тушунишимча, ўртоқлар асосий йўналиш сифатида давлат ҳокимиятининг тузилишини зудлик билан ислох қилиш ва мустақамлаш зарур деб ҳисобламоқдалар. Шу муносабат билан қўйиладиганларни тақлиф қиламан.

Биринчидан, ССЖИ Федерация кенгашига сифат жиҳатдан янги ваколатлар берилинсин. У маслаҳат органидан марказ билан жумҳуриятларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштирувчи ҳаракатчан тузилмага айланиши керак. Бутун мамлакатга тааллуқли бўлган ҳамма қарорлар марказда ҳам, жумҳуриятларда ҳам қабул қилинаётган пайтда Федерация кенгашида муҳомаза қилиниб, маъқулланадиган бўлиши кераклигини таъкидлайман. Шу асосда ҳамма учун мақбул бўлган қарор ишлаб чиқилди. У мунтазам ишлаши, жамият учун очик тўса бўлиши лозим. Жумҳуриятлараро Комитет Федерация кенгашининг илчи органи бўлиб қолиши мумкин, унда иттифоқдош жумҳуриятларнинг ваколатларини олган юқори маълакали экспедиторлар ва мутахассислар доимий асосда ҳамкорлик қилган бўлур эдилар.

Иккинчидан, Шундай ҳолда Президент Кенгашини тузатиш, Президент ҳузурида мамлакат хавфсизлиги кенгашини тузиш лозим бўлади. Марказдаги ижроия ҳокимияти дарҳол қайта қуриб, у Президентга бўйсундирилсин. Тузилмалар ўзгаририлсин ва кадрлар алмаштирилсин, эскирган бўғинлар тугатилиб, янгилари тузилсин. Ҳаммасини санаб ўтirmайман, бу ўзгаришларнинг кўпчилигини айтиб ўтдим. Вазирлар Маҳкамаси таркибига замонавий фикрлайдиган янги, ташаббускор ҳодимлар киритилиши керак, чамаси, вице-президент тўғрисидаги масалани ҳал қилмоқ керак. Айна вақтда маҳаллий ижроия органларининг самарали ишлашини таъминлайдиган зарур қарорлар қабул этилиши лозим. Бу ишларнинг ҳаммасини кечиктирмай, Иттифоқ шартномасини кутмай қилиш керак — мен бу ҳақда доимо гапириб келган эдим, аммо сизлар бу ерга ўз дардинизни, жамиятнинг кайфиятини олиб келганингизни тушунаман. Мана шуларни эътиборга олиб, ҳаракат қилиш керак ва халқ депутатларининг съездидагача ҳаммаси нарсани Олий Кенгашда вазият тақозо этганидек ҳал қилайлик.

Учинчидан. Ҳуқуқ-тартибни мустақамлаш, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг хавфсизлигини ҳимоя қилишини таъминлаш тўғрисидаги талаблар ҳаққоний янграмоқда. Бу соҳада ҳам марказда ва жумҳуриятларда, жойларда зудлик билан таъминлашга оид энг муҳим чора-тадбирлар рўйхатини зудлик билан ишлаб чиқиш, яқин ўн кун, узоғи билан иккинчи ҳафта муддат ичида муҳомаза учун ёки ҳеч бўлмаганда, ахборот учун тақдим этиш ҳақида топириқ бердим.

Бешинчидан. Мамлакатнинг ҳаёт қобилиятини таъминлаш қарорларига оид чора-тадбирлар ҳақида оид ҳақда гапирмоқчиман. Бу со-

бор, агар биз ўзимизни ўзимиз ҳўрмат қилмасак, ана шу қонуни амал қилмайдиган бўлсин. (Қарсаклар).

Президентлик идора усули доирасида ҳўқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган орган тузилиши тақлиф этаман. Мамлакатни қамраб олган уюшган жиноятчиликка, пинҳона иқтисодиётга, чайғовчиликка ва бошқа жиноий фаолият қўришларига қарши курашиш учун Президент ҳузурида махсус маҳкамга тузиш назарда тутилди. Бу ишга серғайрат юксак маҳоратли мутахассислар жалб қилинади. Масала пухта ишлаб чиқилган, янги орган 10-12 кундан кейин ишлаш киришини мумкин. Қўнлар, қарорларни, қўрсатмаларни турмушга таъбиқ қилиш учун Президент ҳузурида назорат палатаси тузилинсин, унинг барча минтақаларда мухтор вакиллари бўлиши керак.

Тўртинчидан. Озиқ-овқат бўйича, Такор айтмам, ўтган йилга нисбатан ресурслар камайгани йўқ. Иш, асосан, аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш системасини тартибга солишга, вилоятлар ва жумҳуриятларнинг мажбуриятлари аниқ бажарилишига боғлиқ. Бундан ташқари мавжуд ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб, назорат остига олиш зарур. Мен янги ҳосилга қадар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга оид энг муҳим чора-тадбирлар рўйхатини зудлик билан ишлаб чиқиш, яқин ўн кун, узоғи билан иккинчи ҳафта муддат ичида муҳомаза учун ёки ҳеч бўлмаганда, ахборот учун тақдим этиш ҳақида топириқ бердим.

Бешинчидан. Мамлакатнинг ҳаёт қобилиятини таъминлаш қарорларига оид чора-тадбирлар ҳақида оид ҳақда гапирмоқчиман. Бу со-

380 тонна тайёрланган, шундан 320 тоннаси давлатга топирилди. Турсуноғ Рохматова, Анорхон Раҳмонова, Мухтарам Олжонба, Феруза Хожиева каби ситирсоғарлар ўзаро муносабатда пешқадар. Чорвадорлар барча кўрсаткичлар бўйича йиллик топириқларини барвақт адо этиш пайдидан бўлмоқдалар.

Ҳ. ПРИМҚУЛОВ.

САМАРҚАНД. Иштихон районидagi Энгельс номидаги жамоа ҳўжалиги сут-товар фермаси ҳодимлари 9,5 ойда ситирлардан 811 тонна ўрнига 826 тонна маҳсулот олиб, йиллик режани ошириб урдалашганди. Айна қўнларда ҳам соғим сусайгани йўқ. Жамида Очилова, Наргиза Қодирова, Гулнора Мусаева, Дилбар Улугова қабилар

бугунгача ҳар говинишдан 4.025—4.900 килограммдан сўт соғишди. Ил охирига қадар қўшимча равишда 120 тонна маҳсулот тайёрланади.

Ҳ. САИДОВ.

ФАРҒОНА. Фрунзе районидаги «Қўғон» асалиричилик давлат ҳўжалиги ишчилари жорий йилни муваффақиятли якунлашмоқда. Меҳнат аҳли ҳозиргача 105

тонна ўрнига 110 тонна шифобахш неъмат топириди. Бу ютқуда ажарачи болчиларнинг ҳиссаси катта. Ж. Турсунов, А. Пулатов, М. Раҳимқулов, Д. Умаров, А. Раҳмонов, З. Шокиров ситирлар айланиха қилиш натижаларига эришмоқдалар. Умуман ҳўжаликда 5.824 уа асалари бонқимонда.

Б. ЮНУСАЛИЕВ.

Ўзбекистон Коммунист партияси коммунистлар ва партиясизларни, жумхуриятимизнинг барча меҳнаткашларини маъқур Харакат дастурини амалга ошириш юзасидан амалий ишларга ғайрат билан киришишга, ўз кучлари, билимлари ҳамда маҳоратларини Ўзбекистон ССКН ижтимоий-иқтисодий, миллий ва маънавий ривожлантириш вазифаларини рўбга чиқаришга, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга сарфлашга даъват этади.

ХУШХАБАРЧИ

ишлар уюшмаси раисининг би-
ри ХОЛИҚОВИЧ ХОЛИҚОВ шар-
ҳи бўлиб, ушундай ҳаққоний
қарар қабул қилинган. Ҳуку-
матнинг ҳаққонийлиги ва ҳо-
қуқончилиги таъминлаш қиш-
 ва деҳқонларнинг маънавий
саноат мажмуи ҳодимларининг
ишчилар учун иқтисодий
ниҳад нборт. Ана шу эзу-
қоният кўрсатқичимиз. ССЖК
«Транспорт воститалари ва бош-
механизмларнинг эгаларига со-
38 йил 21 мартдан 133-сонли
қарар босиб.

ССЖК Қишлоқ ҳўжалиги давлат
2.107 та ҳўжалик, ҳўжа-
қончиллик комбинати мажмуи
да транспорт воститаларига 23
дидориди солиқ тўларди. Агар
нон мажмуида жами 4.000
ҳўжаликлари, қорхона ва таш-
илингулик бўлса, солиқ ҳажми-
ни маълум бўлади. Ана шу
ва давлат ҳўжаликлари аъзо-
деҳқончилик-саноат мажмуи хо-
данчи-маиший шароит яратиб
да дам олишлари учун қасал-
тинни яхшилаш, болалар боғча-
ва муҳим масалаларни рўйи-
и.

